

---

Ташаббусли бюджет натижасида дарвешободлик ўқувчи ёшлар янги ва замонавий ўйингоҳга эга бўлдилар

Ўзбекистон тумани “Дарвешобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 23-умумтаълим мактабида ташаббусли бюджет асосида янги ва замонавий сунъий қопламали футбол майдони фойдаланишга топширилди.

1956 йилда ташкил топган таълим масканида айни кунларда 350 нафардан зиёд ўқувчилар таҳсил олишади. Лойиҳа доирасида мактаб ўқувчилари учун янги ўйингоҳ бунёд этиш бўйича илгари сурилган таклиф 3 мингдан зиёд овоз тўплагани боис давлатимиз раҳбари қарори асосида мазкур ташаббус бюджетдан молиялаштирилди. Мактаб жамоаси ва маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатликда илгари сурган ташаббус ижросига йўналтирилган 450 миллион сўм маблағ эвазига бугун таълим даргоҳида 20x40 ҳажмдаги янги футбол майдони барпо этилди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида айни маблағ эвазига баскетбол ва волейбол майдончалари ҳам таъмирдан чиқарилиб, мактабдаги эски пахса девор ўрнида 100 метрли янги бетон девор бунёд этилди.

2023-05-15 20:45:20